

Маънавий юксалиш - иқтисодий ва сиёсий тикланиш асоси ЖДПИ ўқитувчиси Тошбоев Ж

Маълумки, иқтисодий, сиёсий ва маънавий мустақилликсиз ҳеч бир давлат мустақил саналмайди. Шу боис мамлакатимиз сиёсий мустақилликка эришганидан сўнг мамлакат тақдирини хал қилувчи энг асосий масала иқтисодий мустақилликка эришиш ва иқтисодий тикланиш йўлларини қидира бошлади. Президентимиз ташаббуслари билан иқтисодий тикланиш учун аввало маънавий тикланиш, маънавий мустақиллика эришиш асосий ва устувор вазифа сифатида белгиланди. Президентмиз таъбири билан айтганда, “Маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-кудратидир. Халқнинг маънавий рухини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш – Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир”¹. Юртбошимиз маънавиятни халқ, жамият, давлат тараққиётининг мезони қилиб кўрсатар экан, хар бир халқ, миллат ўзининг тарихий-маънавий бойикларини ўзлаштирумай, уларни давр талаблари даражасидаги умуминсоний қадриятлар билан бойитмай ривожланишга эриша олмаслигини қайд этади.

Маълумки ҳозирги пайтда жаҳон халқлари маънавий ҳаётида икки муҳим жараён ва тенденцияни кузатиш мумкин. Булар асримизнинг биринчи ўн йиллигига яққол намоён бўла бошлаган халқлар ва давлатлар ўртасидаги интеграция, чегара билмас ўзаро ҳамкорлик кўламининг кенгайиши ва ушбу интеграция жараёни натижасида глобаллашув ҳодисасининг жадаллик билан воқеликка айланиб боришидир. Бу ҳақда президент Ислом Каримов: “... глобаллашув – бу аввало ҳаёт суръатларининг бекиёс даражада тезлашуви демакдир. Бугун биз тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, инсоният ҳозирга қадар бошидан кечирган даврлардан тубдан фарқ қиласидиган ўта шиддатли ва мураккаб бир замонда яшамоқдамиз. Давлат ва сиёsat арбоблари, файласуфлар ва жамиятшунос олимлар, шарҳловчи ва журналистлар бу даврни турлича таърифлаб, ҳар хил номлар билан атамоқда. Кимdir уни юксак технологиялар замони деса, кимdir тафаккур асли, яна бирор ялпи ахборотлашув даври сифатида изоҳламоқда”². Ушбу турли номлар билан изоҳланаётган ҳодиса қай ном билан аталмасин сайёрамизнинг барча минтақаларига ва ер шарида яшовчи ҳар бир киши турмуш тарзига гоҳ иқтисодий, гоҳ сиёсий, гоҳ маънавий жиҳатдан ўзининг таъсирни ўтказмоқда.

Ҳозирги давр воқелиги шуни яққол кўрсатмоқдаки, ҳеч қайси бир халқ, давлат ўз қобигида яхлит ривожлана олмайди. Дунё ҳамжамиятидан айро холда ривожланишни мақсад қилган халқнинг келажаги йўқ. Бунга собиқ Совет амалиёти ёрқин мисол бўла олади. Шундай экан, мустақил Ўзбекистон тараққиётини шубҳасиз, дунё мамлакатлари билан иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳамкорлигининг кенгайиши ва чуқурлашуви билан боғлиқ. Лекин бу дегани биз дунё мамлакатлари билан миллий маданиятимизни бир четга

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиколол ва тараққиёт йўли. // Ўзбекистон: миллий истиколол, иқтисод, сиёsat, мафкура. Т.1.-Т.: Ўзбекистон, 1996.-80-81 б

² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. –110-111 бетлар.

суриб қўйиб интеграллашиб кетишимиз керак дегани эмас. Агар биз дунёда содир бўлаётган глобаллашув жараёнларига бефарқ муносабатда бўлиб унинг оқимга қўшилиб бирга оқимда ҳаракат қилсак биз келажакда жиддий хавфларга дуч келишимиз мумкин. Бундай ҳолат келиб чиқмаслиги учун биз ўз тараққиёт йўлимизни ўзлигимизга хос маънавий асосларини сақлаб қолган ҳолда давом эттиришимиз лозим.

Глобаллашув жараёни дунё мамлакатларининг сиёсий ҳаётида либерализм, маънавий ҳаётида эса маданиятнинг ўзига хос типи - “оммавий маданият” кўринишида намоён бўлмоқда.

“Бугунги кунда ҳамма ҳам билавермайдиган, ошкора кўзга ташланмайдиган, маънавий ҳаётимизни издан чиқаришга қаратилган жиддий хатарлар ҳам борки уларнинг олдини олмасак, кейин кеч бўлади. Булар ғарб оламида кенг тарқалган эгоцентризм ва эркинлик никобидаги ахлоқсизлик фалсафасидир. Эгоцентризм худбинликнинг бир кўриниши бўлиб, фақат ўзини, ўз манфаатларини ўйлаб яшаш, бошқа хеч нарсани тан олмасликни билдиради. Инсониятга этказадиган зарари нуқтаи назаридан бу иллат жаҳолат ва ақидапарастликдан асло қолишмайди”³.

Шу ўринда эгоцентризм тушунчасининг мазмун-моҳияти ҳақида қисқача тўхталиб, унинг жамият ҳаёт соҳаларига кўрсатадиган таъсири тўғрисида фикр юритиш ўйлаймизки, масала моҳиятини тўлароқ англашга хизмат қиласди. Эгоцентризм (лот. ego – мен, centrums - марказ) маъносини англатади. У шахсни ўзининг шахсий мақсадлари, фикрларига таяниб, бошқа одамларнинг холатини ва тилини воқеликнинг таъсирини холисона қабул қила олмайди. Яъни, барча жараёнлар марказида шахсий манфаат ётганлиги яққол кўзга ташланади. Эгоцентризм шахсий мавқе сифатида ўзгаларнинг истак ва хохиши билан хисоблашмаслик, ўз фикрининг нотўғрилигини билса ҳам ўзгаларнинг фикрини инобатга олмаслик ғоясига асосланади. Бунда шахсий фикр, шахсий дунёқараш етакчи ўринга чиқиб, бошқа фикр ва мулохазалар гарчи прогрессив моҳият касб этсада, унга зарба берилади, эътироф этилмайди.

Инсон табиатидаги маънавий-ахлоқий қирраларнинг ижобий ривожланишига кенг эътибор қаратилаётган бугунги даврда эгоцентризм ғояси айрим кишилар фаолиятида манманлик, худбинлик сифатида умуминсоният тараққиётига зид кўриниш сифатида намоён бўлмоқда. Шунингдек, эгоцентризм асосида ўзининг барча манфаатларини биринчи ўринга қўйиб ўзгалар ҳаётига бефарқлик, ўзгалар тақдирни билан иши бўлмаслик хусусияти ётар экан баркамол авлод характеристида эгоцентрик хусусиятларнинг камайиб, прогрессив фикрлар билан хисоблашишга, бундай фикрларни жамият тараққиёти йўлида, шахсий маънавий ривожланиш учун, умумманфаат йўлида камарбаста бўлиш хислатларини ривожлантиришни тақозо этади. Чунки, хар қандай эгоцентризм билан боғлиқ салбий хусусият маънавий-мафкуравий бузғунчиликнинг вужудга келишига замин яратади. Бундай ғоявий бузғунчиликлар эса жамият тараққиётига зид бўлиб, жамият

³ Сайдов М. Эркин фаравон ҳаётни маънавиятсиз қуриб бўлмайди. Халқ сўзи. 2006й. 07 январ

аъзолари тафаккурида салбий хусусиятларнинг илдиз отишига хизмат қиласиди.

Мана шундай иллатлардан бири «оммавий маданият» ҳодисасидир. У Ғарб дунёсида ўтган асрнинг иккинчи ярмида шаклланди. Уни Ғарбда «популяр» ёки қисқартирилган ҳолда, «поп-культура» (яъни «оммавий маданият») деб аташади. Гарчи «маданият» деб аталса-да, аслида, туб мазмун-маъносига, мақсад-ниятига кўра «оммавий маданият» чинакам маданиятнинг кушандасидир.

Мутахассислар (файласуф ва социолог олимлар)нинг фикрича, ҳали илм-фанда «антикультура» («гайримаданият») деган илмий тушунча шаклланмаганлиги учун «Поп (оммавий) маданият» тушунчаси, ночорликдан қўлланилмоқда. Чунки, «оммавий маданият», аслида маданиятсизлик, яъни маънавиятсизлик ва ахлоқсизлик синонимидир. «Оммавий маданият» шу боисдан, энг аввало, юксак истеъодод ва ўлмас маънавий-ахлоқий ғоялар байроқдори бўлган мумтоз маданиятга, санъатга, унинг бойликларига қарши тиш-тирноғи билан курашиб, уни инкор этиб келяпти⁴.

АҚШнинг таникли сиёсатшуноси Збигнев Бжезинский шундай ёзади: «...Маданият соҳасида Америка жаҳон ёшлари орасида алоҳида жозибадорлиги билан ажралиб туради. Бу эса АҚШга жаҳоннинг ҳеч бир давлатига насиб қилмаган сиёсий таъсирни таъминлайди. Айниқса, Американинг телевизион дастурлари ва фильмлари жаҳон бозорининг тўртдан уч қисмини эгаллайди. Унинг оммабоп мусиқаси, америкаликларнинг қизиқишилари, овқатланишиларидағи одатлари ва ҳатто, кийинишиларига бутун дунёда тақлид қиласидар». АҚШ сиёсати ва мағкураси намояндалари ўз мамлакатлари манфаати, сиёсати ва турмуш тарзини фақат китоблар, публистик чиқишилар орқали тарғиб этиш билан чекланиб қолаётганлари йўқ. Дунё халқарини «ғарблаштириш»га уринишлар қуроли сифатида, масалан, «оммавий маданият» воситаларидан, турли-туман ахборот тарқатиш (реклама, матбуот, кино, телевидения каби) йўлларидан зўр бериб фойдаланилмоқда.

Албатта, халқимиз, жумладан, ёш авлод ғарб фан-техникаси, маданияти, адабиёту санъатининг илғор жиҳатларини инкор этмайди. Бироқ ғарбдаги тараққийпарвар зиёлиларнинг ўзи «ғарбнинг муаммоси» сифатида баҳолаётган «оммавий маданият»нинг маънавий-ахлоқий тубанликларини ёшларимиз қанча тез англаса, шунча яхши.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳатлар ислоҳат учун эмас, балки инсонларга қаратилган экан биз аввало инсоннинг туб моҳиятини ташкил қилувчи маънавиятга эътибор қаратишимиш лозим. Шунда миллат ҳаётида маънавий юксалиш орқали сиёсий ва иқтисодий тикланиш содир бўлади.

⁴ Михли Сафаров info.islom.uz - “Оммавий маданият” – маънавият кушандаси